

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“Мехатроника ва робототехника”  
модули бўйича  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

ЎзМУ, Механика ва математик моделлаштириш кафедраси мудири, ф.-м.ф.д., профессор А.Б.Ахмедов

**Тақризчилар:**

Кимё ва технология институти профессори ф.-м.ф.д. И.Сафаров  
ЎзМУ, Механика ва математик моделлаштириш кафедраси профессори, ф.-м.ф.д., А.Холжигитов

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги № 3 -сонли баённомаси)*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>3</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>9</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .. . . . .</b>	<b>69</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .. . . . .</b>	<b>86</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .. . . . .</b>	<b>88</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма,

малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** мехатрониканинг назарий асосларини ўргатиш, мехатроника хақида асосий тушунчаларни, мехатрон модуллар ва уларга асосланган мехатрон тизимлар структурасини, таркибий қисмларининг вазифасини ва ўзаро боғланиш шарт-шароитларини, янги авлод машиналари – мехатрон модуллар ва робототехник тизимлардаги мехатрон курилмалар турлари, уларни куриш ва бошқариш бўйича тушунчалар бериш, мехатрон тизимларни таҳлил ва синтез қилишда илмий тадқиқот ишига ва инновацион фаолиятга тайёрлаш, назарий билимларни амалда кўллаш кўнікмаларини хосил қилиш

#### **Модулнинг вазифалари:**

- мехатроника ва робототехника асослари, мехатрон модуллар ва тизимларни қуриш принциплари билаи таништириш;
- мехатрон ва робототехник тизимларнинг бошқариш курилмаси, юритмалари ва датчикларининг вазифасини тушунтириш;
- мехатроника ва робототехникадаги замонавий бошқарув усуллари ва микроконтролерли бошқарув тизимларини қуриш асосларини ўрганиш;

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўнікмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Мехатроника ва робототехника асослари, мехатрон ва робототехник тизимларнинг таркибий қисмлари ва уларнинг вазифалари, рақамли схематехника ва куч электроникаси, ижрочи курилмалар, электромагнитлар, ўзгарувчан ва доимий ток двигателлари, гидравлик ва пневматик юритмаларни **билиши** керак.
- Сезги элементлари, датчиклар ва сенсорлар. Мехатрон ва робототехник тизимларни таҳлил этиш **кўнікмаларига** эга бўлиши лозим.
- Роботларни даврий, позицион ва контурли бошқариш тизимларини, дастурли, адаптив ва интеллектуаль бошқариш тизимлари хақидаги билимлардан фойдаланиб таълим жараёнида фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши лозим.
- таълим тизимида мехатроника ва робототехника билан боғлиқ маълумотлардан фойдаланиб таълим жараёнини бошқариш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модулни ўқитиш маъруза, амалий ва қўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Мехатроника ва робототехника” модули мазмуни ўқув режадаги “Бошқариладиган тизимлар меҳаникаси” ва “Механикада математик моделлаштириш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида меҳатрон ва робототехник тизимлардан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида меҳатрон ва робототехник тизимлардан фойдаланиш ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модуль мавзулари</b>	Аудитория уқув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Мехатроника ва робототехника асослари. Мехатрон ва робототехник тизимларнинг таркибий қисмлари ва уларнинг вазифалари.	4	2	2	
2.	Мехатрон ва робототехник тизимларни даврий, позицион, контурли, дастурли, адаптив ва интеллектуаль бошқариш тизимлари.	6	2	2	2
3	Ижрочи қурилмалар, электромагнитлар. ўзгарувчан ва доимий ток двигателлари, гидравлик ва пневматик юритмалар.	6	2	2	2

4	Сезги элементлари, датчиклар ва сенсорлар. Рақамли схематехника ва куч электроникаси.	4		2	2
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>6</b>	<b>8</b>	<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Мехатроника ва робототехника асослари. Мехатрон ва робототехник тизимларнинг таркибий қисмлари ва уларнинг вазифалари (2 соат).**

1.1.Мехатроника ва робототехника асослари

1.2.Мехатрон ва робототехник тизимларнинг таркибий қисмлари.

1.3.Мехатрон ва робототехник тизимларнинг вазифалари

**2-мавзу. Мехатрон ва робототехник тизимларни даврий, позицион, контурли, дастурли, адаптив ва интеллектуаль бошқариш тизимлари (2 соат).**

2.1. Мехатрон ва робототехник тизимларни даврий бошқариш тизимлари

2.2. Мехатрон ва робототехник тизимларни позицион бошқариш тизимлари

2.3. Мехатрон ва робототехник тизимларни контурли бошқариш тизимлари

2.4. Мехатрон ва робототехник тизимларни дастурли бошқариш тизимлари

2.5. Мехатрон ва робототехник тизимларни адаптив ва интеллектуаль бошқариш тизимлари

**3-мавзу. Ижрочи қурилмалар, электромагнитлар. ўзгарувчан ва доимий ток двигателлари, гидравлик ва пневматик юритмалар (2 соат).**

3.1. Ижрочи қурилмалар.

3.2. Электромагнитлар.

3.3. Ўзгарувчан ва доимий ток двигателлари.

3.4. Гидравлик ва пневматик юритмалар.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот.** Мехатроника ва робототехника асослари. Мехатрон ва робототехник тизимларнинг таркибий қисмлари ва уларнинг вазифалари (2 соат).

**2-амалий машғулот.** Мехатрон ва робототехник тизимларни даврий, позицион, контурли, дастурли, адаптив ва интеллектуаль бошқариш тизимлари (2 соат).

**3-амалий машғулот.** Ижрочи қурилмалар, электромагнитлар. ўзгарувчан ва доимий ток двигателлари, гидравлик ва пневматик юритмалар (2 соат).

**4-амалий машғулот.** Сезги элементлари, датчиклар ва сенсорлар. Рақамли схематехника ва күч электроникаси (2 соат).

## **КҮЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

**Күчма машғулот.** Мехатрон ва робототехник тизимларни даврий, позицион, контурли, дастурли, адаптив ва интеллектуаль бошқариш тизимлари. Ижрочи қурилмалар, электромагнитлар. ўзгарувчан ва доимий ток двигателлари, гидравлик ва пневматик юритмалар. Сезги элементлари, датчиклар ва сенсорлар. Рақамли схематехника ва күч электроникаси. (**6 соат**).

ТДТУ Мехатрон ва робототехник тизимларнинг бошқариш қурилмалари, ижрочи қурилмалари, юритмалари. датчиклари ва сенсорлари билан танишиш.

## **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги үқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустахкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **Хулосалаш (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатма материалга ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

### Намуна:

#### Таҳлил турларининг қиёсий таҳлили

Тизимли таҳлил		Сюжетли таҳлил		Вазиятли таҳлил	
Афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Муммони келиб чиқиш сабабли ва кечиши жараёнини алоқадорлиги жиҳатидан ўрганиш имкониятига эга	Алоҳида тайёргарликка эга бўлишни, кўп вақт ажратишни талаб этади	Ўз вақтида муносабат билдириш имкониятини беради	Муносабат бошқа бир сюжетга нисбатан қўлланишга яроқсиз	Вазият иштирокчиларининг (объект ва субъект) вазифаларини белгилаб олиш имконини беради	Динамик хусусиятни белгилаб олиш учун қўллаб бўлмайди

**Хуносат:** Таҳлилнинг барча турлари ҳам ўзининг афзаллиги ва камчилиги билан бир биридан фарқланади. Лекин, улар қаторидан педагогик фаолият доирасида қарор қабул қилиш учун

тизимли таҳлилдан фойдаланиш жорий камчиликларни бартараф этишга, мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланишда афзалликларга эгалиги билан ажралиб туради.

### **“ФСМУ” методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

•

**Ф**

- фикрингизни баён этинг

**C**

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

**M**

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

**Y**

- фикрингизни умумлаштиринг

•

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “*Тизим атроф муҳитдан ажралган, у билан яхлит таъсирлашувчи, бир-бири билан ўзаро боғланган элементлар мажмуаси бўлиб, тадқиқотлар объекти саналади*”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавобни баҳолаш мумкин.


### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

# **1-Маъруза. МЕХАТРОНИКА ВА РОБОТОТЕХНИКА АСОСЛАРИ. МЕХАТРОН ВА РОБОТОТЕХНИК ТИЗИМЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.**

## **Мехатроника түшүнчөсү**

## **Мехатроника таърифи.**

Мехатроника – фан ва техниканинг янги соҳаси бўлиб, функционал  
характи интеллектуал бошқариладиган, сифат жихатдан янги турдаги модул,  
тизим ва машиналарни лойихалаш ва ишлаб чиқариш учун аниқ механика,  
замонавий электроника, бошқарув ва дастурлаш тизимларининг синергетик  
интеграцияси.



## Механика

## Электроника

# Электромеханика Бошқарыш схемалари Рақамли бошқарув Автоматик пойихадап

# Моделлаш тизимлари Сенсорлар ва датчиклар Микроконтроллерлар Симуляторлар

Бошқарув

Дастурый таъминот

Кейинги йилларда бутун дунёда фан ва техника соҳасида янги йўналиш бўлган мехатроника пайдо бўлди ва шиддат билан ривожланмоқда. Мехатроника механика, электроника, ҳозирги замон компьютерли бошқариш ва инфомацияни қайта ишлаш методлари соҳалари билимларига асосланади.

Мехатрон модуллар ва системалар янги хусусиятларга эга бўлган технологик машиналар ва агрегатлар, роботларни яратишнинг асоси ҳисобланади.

Мехатроника шундай фан ва техниканинг соҳаси, унда механика, электроника, компьютер компонентларининг сенергетик боғланишлари акс эттирилган бўлади, бу эса ўз навбатида сифат жиҳатдан янги бўлган модуллар, системаларнинг функционал ҳаракатларини ва интеллектуал бошқаришни таъминлайди. Сенергия (грекча) – умумий мақсадга етишишга қаратилган биргаликдаги ҳаракат. Мехатрониканинг компонентлари 8.1-расмда келтирилган.

Мехатроника ва мехатрон технологияларнинг методлари универсал ҳисобланади, улар ёрдамида мураккаб техник системаларни яратиш, автоматлаштирилган лойиҳалаш, машиналарни ва роботларни модул принципи асосида қуриш имконияти мавжуд.

Ҳозирги кунда мехатрон модуллар ва системалар қўйидаги соҳаларда кенг қўлланилади:

- машинасозлик;
- саноат ва маҳсус робототехника;
- авиация ва космик техника;
- электрон машинасозлик;
- автомобилсозлик;
- микромашиналар;

- назорат-ўлчов қурилмалари ва машиналари;
- интеллектуал машиналар ва х.к.

## Mechatronics Systems



Мехатрон модулларга қуидаги талаблар қўйилади:

- машиналар ва системаларнинг сифат жиҳатдан янги функционал масалаларини бажара олиш;
- машиналар ишчи органларининг ўта юқори тезлигини таъминлаш;
- модулларнинг ультрапрецизион ҳаракатларини микро- ва нанотехнологияларда амалга ошириш;
- модулларнинг ва ҳаракатланувчи системаларнинг компактлилиги;
- кўп координатали машиналарнинг янги кинематик структуралари ва конструктив компановкаларини олиш;
- ўзгарувчи ва ноаниқ ташқи мухитда системаларнинг интеллектуал фаолиятини таъминлаш.

**Замонавий мехатрон модулларнинг синфланиши**

Замонавий мехатрон системаларни лойихалаш модул принципларга ва технологияларга асосланган.

Умуман мехатрон модуллар қуидаги турларга бўлинди (8.2-расм):

- ҳаракат модули;
- ҳаракат мехатрон модули;
- интеллектуал мехатрон модули.


Модул (М) машинанинг унификацияланган функционал қисми бўлиб, конструктив жиҳатдан мустақил қурилма ҳисобланади.

Мехатрон модул (ММ)- функционал ва конструктив жиҳатдан мустақил қурилма бўлиб, турли физик табиатга эга бўлган қисмлардан ташкил топади ва улар синергетик аппарат - программавий интеграцияланган бўлади.

Одатда мехатрон модуллар бир координата бўйича ҳаракатни (айланма ёки чизиқли) амалга оширади ва камдан-кам икки эркинлик даражасига эга.

Ҳаракат модули (ХК)- конструктив ва функционал мустақил қурилмадир. У бошқарилувчи двигатель ва механик қурилмадан ташкил топади. Ҳаракат модулининг одатдаги юритмадан фарқи шундан иборатки, унда двигателнинг вали, ҳаракатни механик ўзгартиргичнинг элементи сифатида ишлатилади.

Замонавий мехатрон модулларда жуда кўп электр машиналар ишлатилади яъни асинхрон ва синхрон ўзгармас ток двигателлари, қадамли ва пьезоэлектрик двигателлар ва бошқалар булар қаторига киради.



8.2.расм. Мехатрон модулларнинг синфланиши.

Механик қурилманинг таркибига турли хил редукторлар, харакатни ўзгартиргичлар, вариаторлар ва бошқалар.

Мехатрон ҳаракат модули (МХМ) – конструктив ва функционал мустакил қурилма бўлиб, унинг таркибига бошқарилувчи двигатель, механик ва информацион қурилма киради. Информацион қурилма ўз ичига тескари алоқа схемалари ва информация датчикларни, хамда сигналларни қайта ишловчи, ўзгартирувчи электрон блокларни олади. Бундай датчикларга фотоимпульс датчиклар (инкодерлар), оптик чизғичлар, айланма трансформаторлар киради, улар ҳаракатнинг тезлиги ва ҳолати бўйича информация олиш имконини берадилар.

Интеллектуал мехатрон модул (ИММ) – конструктив ва функционал мустакил қурилма бўлиб двигатель, механик, информацион, электрон ва бошқарувчи қисмларнинг синергетик интеграцияси асосида қурилади.

Шундай қилиб, ИММнинг конструкциясида мекатрон ҳаракат модулларига нисбатан қўшимча бошқарувчи ва электрон қурилмалар ўрнатилган бўлади ва улар модулларнинг интеллектуал хусусиятга эга

бўлишини таъминлайди. Бу гурӯхга рақамли ҳисоблаш қурилмалари (микроконтроллерлар, процессорлар, сигнал процессорлари ва х.к.), электрон куч ўзгартиргичлари, алоқа ва боғланиш компьютер қурилмалари киради.

Мехатроника таърифига фақат мехатрон модуллар мос келади.

Мехатрон машиналар кўп ўлчамли системалар бўлиб, улар икки ва ундан ортиқ модуллар асосида яратилади.

Ишлаб чиқариш системалари учун мўлжалланилган мехатрон машина роботнинг умумлашган структура схемаси 8.3-расмда келтирилган.

Кўрилаётган машиналар (роботлар) учун ташқи муҳит технологик муҳитдан иборат бўлади ва у технологик жиҳозлардан, технологик қурилмалардан ва объектлардан ташкил топади. Ташқи муҳитларни асосан икки синфга бўлиш мумкин: детерминирланган ва нодетерминирланган .

Детерминирланган муҳитларга ташқи таъсир параметрлари ва объектлар характеристикалари олдиндан керакли аниқликда маълум бўлган муҳитлар киради. Айрим муҳитлар ўзининг табиати бўйича нодетерминирланган бўлади, масалан, экстремал сув ости ва ер ости муҳитлари.

Технологик муҳитларнинг характеристикалари аналитик тажриба тадқиқотлари ёрдамида ва компьютерли моделлаш методлари орқали аниқланади.

## **2-мавзу. МЕХАТРОН ВА РОБОТОТЕХНИК ТИЗИМЛАРНИ ДАВРИЙ, ПОЗИЦИОН, КОНТУРЛИ, ДАСТУРЛИ, АДАПТИВ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ.**

Саноат роботларининг бошқариш системалари бошқариш турига қараб қўйидаги гурухларга бўлинади: программили, адаптив ва интеллектуал. Бундай бўлининшнинг асосини роботларни бошқариш учун зарур информация олиш усули, саноат роботи ҳаракатини бошқариш принсиби ташкил қилади.

Ҳаракатни бошқариш принсиби бўйича роботларнинг бошқариш системалари программа асосида бошқариладиган системаларга, ташқи муҳит ҳақидаги информация бўйича ишлайдиган бошқариш системаларига ва аралаш системаларга бўлинади [5].


Программили бошқариш системалари саноат роботларини бошқариш системалари иерархиясида паст ўринда туради. Бундай бошқариш системалари роботнинг ва ташқи муҳитнинг тўла аниқ бўлишини ва ишлаш шароитининг ўзгармаслигини талаб қилади.

1 – расмда саноат роботининг бошқариш системасининг функционал схемаси келтирилган. Бу системанинг ишлаши қўйидаги параметрлар билан характерланади:  $Y$  – бошқариш объектининг ҳолатини характерловчи вектор (ишчи қурилмалар ҳаракат даражаларининг координаталари);  $\bar{G}$  – берилган таъсир, бошқариш программаси шаклида бўлиб, бошқариладиган катталик  $Y$  нинг берилган ўзгариш қонуни бўйича информацияни ўз ичига олади ва программа - вақт қурилмасига киритилади. Ушбу  $\bar{Y}(t)=\bar{Y}_6(t)$  тенгликка риоя қилинса, программанинг аниқ бажарилиши амалга оширилади ва шунга мос равишда робот ишчи қурилмаларнинг керакли силжишлари амалга оширилади, яъни ҳар бир юритма ўзига таалуқли ҳаракат даражасига мос келувчи  $\bar{G}(t)$  программани бажаради ва натижада тўлиқлигича керакли ҳаракат амалга оширилади.

Дастурлаштирилган роботларга автоматик ишловчи программили бошқариладиган роботлар киради, уларда манипуляцион операцияларнинг характеристига қараб программалаш ва механик қурилмаларининг ишлаши

нисбатан осон мослаштирилади. Бундай роботларда бошқариш қурилмаси сифатида программали бошқариш қурилмаси ёки компьютер ишлатилади. Биринчи авлод роботлари етарли даражада универсал ва кўп имкониятларга ега ҳисобланади. Мавжуд автоматлаштириш воситаларига қараганда биринчи авлод саноат роботлари янги топшириларни бажаришга тез ва яхши мослашади.

Дастурлаштирилган роботнинг структура схемаси 2.5расмда келтирилган



2.5 Расм Дастурлаштирилган роботнинг структура схемаси

Дастурлаштирилган роботда адаптив роботдаги сенсор қурилмалар бўлмайди, уларда фақат холат, тезлик ва куч датчиклари кўлланилади. Масалан, конвейерда детал келаётган бўлса ва агар детал тугаб олса, дастурлаштирилган робот детал йўқлигини сезмайди, адаптив робот esa ўзининг сенсор қурилмалари ёрдамида детал йўлиги бўйича информация олиб, ўз дастурини ўзгартиради. Шундай қилиб, адаптив робот ишлаш жараёнида таши муҳитга мослаша олади.

**Адаптив ва программали роботларнинг ишлаш принциплари.**


Адаптив роботлар, улар ташқи мұхит ўзгаришларига мослаша олади. Адаптив роботларнинг бириңчи авлод программали роботларга қараганда функционал имкониятлари кенг бўлади. Ташқи мұхит бўйича информацияни олишда турли хил сенсор қурилмалардан фойдаланилади.

Адаптив робот дастурлаштирилган роботларга қараганда таши мұхит ўзгаришларига мослаши олади, уларда адаптация ташқи мұхитдан сенсор қурилмалари орқали олинган информация асосида бошқариш амалга оширилади. Адаптив роботларнинг дастурий таъминотлари 1- авлод роботларига нисбатан мукаммал тузилган.

Дастурлаштирилган роботларга автоматик ишловчи программали бошқариладиган роботлар киради, уларда манипуляцион операцияларнинг характеристига қараб программалаш ва механик қурилмаларининг ишлаши нисбатан осон мослаштирилади. Бундай роботларда бошқариш қурилмаси сифатида программали бошқариш қурилмаси ёки компьютер ишлатилади. Биринчи авлод роботлари етарли даражада универсал ва кўп имкониятларга ега ҳисобланади. Мавжуд автоматлаштириш воситаларига араганда биринчи авлод саноат роботлари янги топшириларни бажаришга тез ва яхши мослашади.

## **2.1.Интеллектуал робот умумий схемаси.**

Интеллектуал роботлар ташқи мұхитни ўзида акс эттира олади, автоматик равишда бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар бўйича қарор қабул қилиш имкониятига эга. Интеллектуал роботлар одамга ўхшаш турли интеллектуал ва олдиндан режалаштирилган ҳаракат функцияларини бажаради. 2.6-расмда интеллектуал роботнинг структура схемаси келтирилган.



2.6- rasm. Intelлектуал робот сртуктур схемаси.

- 1- manipulyatorlar, 2- harakatlanish qurilmasi,
- 3- programmalarni o'zgartirish qurilmasi, 4- hisoblash qurilmasi, 5- sun'iy intellekt, 6- sensor qurilmalar,
- 7- muloqot qurilmasi, 8- manba bloki;

## 2.2.Интеллектуал роботнинг асосий қисмлари ва уларнинг асосий вазифалари.

Интеллектуал робот қуйидаги қисмлардан иборат:

- БҚ- бошқариш қурилмаси;
- ТИС - таъминот ижро системаси;
- ТМ – ташқимухит;
- информацион ўзаро таъсир;
- материал-энергетикўзаро таъсир ва алоқалар.

Интеллектуал роботнинг бошқариш қурилмаси (БҚ) роботга интеллектуаллик хусусиятини таъминлайди ва ташки мухит билан фаол ва

мақсадли информацион ўзаро таъсирларни бир неча компьютерлар асосида амалга оширади.

Бошқарув қурилма қўйидагилардан ташкил топади:

- сенсор қурилмаси (6), у ташқи муҳит ва роботнинг ҳолати бўйича инфомация билан таъминлайди;
- муроқот қурилмаси (7) роботнинг оператор билан ва ташқи муҳитдаги функционал қурилмалар билан диалоги учун хизмат қиласди;
- сунъий интеллект (5) образларни билиш, маълум предмет соҳасидаги билимларни йиғиши ва ишлатишга хизмат қиласди;
- ҳисоблаш қурилмаси (4) бошқариш программаларини шакллантиради;
- программаларни ўзгартириш қурилмаси (3) бошқариш программаларини ўзгартиради ва манипулятор юритмаларини, харакатланиш қурилмасини, ташқи муҳитдаги технологик жиҳозларни бошқариш учун керакли ҳолга келтиради;
- ташқ имуҳит (9) – реал мавжуд физик муҳит, робот у билан инфомацион ва энергетик ўзаро таъсирда бўлади.

Агар робот ишлаб чиқариш шароитида ишлатилса, унда роботнинг ташқи муҳитига оператор, бошқа роботлар, технологик жиҳозлар, технологик жараёнлар, транспорт системалари, энергия таъминоти системалари ва бошқалар киради.

Хозирги вақтда жаҳонда интеллектуал роботларнинг айрим турлари яратилган. Масалан, АҚШнинг “Шейки” ва Япониянинг “Хивип” роботлари. Улар маълум предмет соҳасида ташқи муҳитни ўзининг сенсор қурилмалари ёрдамида қабул қиласди, ахборотларни қайта ишлаб қарор қабул қиласди ва ташқи муҳитга мослашиб, айрим интеллектуал масалаларни еча олади.

## **Назорат соволлари**

1. Интеллектуал роботга тарифи беринг.
2. Интеллектуал робот қандай қисмлардан иборат?
3. Интеллектуал робот асосий ташкилий қисмлари нималардан иборат?
4. Бошқариш қурилма нималардан ташкил топган?
5. Ҳозирги вақтда жаҳонда интеллектуал роботларнинг қандай турлари яратилган?

### **3-маъруза: ИЖРОЧИ ҚУРИЛМАЛАР, ЭЛЕКТРОМАГНИТЛАР, ЎЗГАРУВЧАН ВА ДОИМИЙ ТОК ДВИГАТЕЛЛАРИ, ГИДРАВЛИК ВА ПНЕВМАТИК ЮРИТМАЛАР.**

Юритмалар саноат роботининг ижро системасига кирадилар ва манипуляторнинг механик звеноларини ҳаракатга келтириши вазифасини бажарадилар.

Робот механик системасининг структураси ва параметрлари юритма тури билан аниқланади, ундан ташқари юритма саноат роботининг бошқариш системасини танлашга таъсир қиласи [7].

Юритмаларни қўйидаги хусусиятлар билан синфлаш мумкин: энергия тури, бошқариш усули, ижро двигателининг тури ва бошқалар (3.1 – расм).

Энергия тури бўйича юритмаларнинг синфланиши 3.1 – расмда келтирилган. Бу хусусият робот юритмаларини синфлашда асосий ҳисобланади. Аralаш юритмаларда гидравлик, пневматик ва электрик юритмалар турли вариантларда қўлланилади. Аralаш юритмаларни танлашда саноат роботининг функцияси ҳисобга олинади ва бунда юритмаларнинг характеристикаларини янада самаралироқ ишлатиш мумкин бўлади.

Саноат роботларининг юритмалари бошқариш усули бўйича қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Таянчлар бўйича позицияланадиган очик юритмалар. Бу усул циклли бошқариш системасига эга бўлган саноат роботларида ишлатилади.
2. Рақамли бошқариладиган очик юритмалар.
3. Ҳолат ва бошқа параметрлар бўйича текари алоқали тақлидли юритмалар. Бу усул кенг тарқалган, позицион ва контур бошқаришли саноат роботларида қўлланилади.

4. Аралаш юритмаларда юқорида келтирилган бошқариш усулларининг турли варианatlари қўлланилади.


Ижро двигателларнинг тури бўйича юритмалар қўйидаги грухларга бўлинадилар:

1. Илгарилама тўғри чизиқли ҳаракат қилувчи двигателли юритмалар: гидросилиндрлар, пневмосилиндрлар, чизиқли ҳаракат двигателлари ва бошқалар.

2. Айланма кичик оборотли двигателли юритмалар: роторли гидро ва пневмосилиндрлар, радиал – поршени гидромоторлар, пневмомоторлар.

3. Айланма юқори оборотли двигателли юритмалар: электродвигателлар, пневмодвигателлар.

Юритмаларнинг асосий характеристикаларига қувват, тезкорлик, статик ва динамик аниқлик киради. Юритманинг тезкорлиги ижро двигателининг қуввати билан аниқланади. Юритманинг қуввати эса қўлланилган ижро двигателининг қуввати билан аниқланади. Юритманинг тезкорлиги ижро двигателининг қуввати ва узатиш механизмларининг параметрлари билан аниқланади. Позицияда тўхташ аниқлиги юритманинг кучайтириш коеффициентига, тўхташ нуқтасига яқинлашиш режимига ва тескари алоқа датчикларининг ишлаш аниқлигига боғлиқ бўлади.



**3.1 – расм. Саноат роботлари юритмаларининг синфланиши.**

### 3.1. Роботнинг пневматик юритмаси

Хозирги вақтда пневматик юритмали саноат роботлари энг кенг тарқалган. Пневматик юритманинг афзаликларига уни бошқариш соддалиги, ясаш арzonлиги ва ёнғинга хавфсизлиги киради.

Пневматик юритмаларнинг камчиликлариiga тезлик қийматини доимий эмаслиги ва системанинг турғунлиги пастлиги киради. Пневматик юритма элементларининг ишончлилиги қисилган ҳавони тайёрлаш сифатига боғлиқ бўлади ва бунда ҳаво босимининг барқарор бўлишига, ифлослардан тозалашга ва элементларни мойлашга эътибор бериш керак бўлади.

Пневматик юритма ишлаганда сарфланган энергиянинг 24 % и ишлатилади. Ундан ташқари, ҳавонинг қисилувчанлиги даражаси юқори бўлганлиги сабабли, пневматик юритма паст сезувчанликка, катта вақт доимийлигига эга ва натижада тезкорлиги паст бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, пневматик юритмаларда берилган нуқтада фиксация қилиш учун тормозлаш анча қийинчиликлар туғдиради.

Пневматик юритма қуидаги элементлардан ташкил топади: ижро двигател, тақсимлагич қурилмаси, тезликни ростлаш учун дроселлар, босим редуктори, демпфирлаш қурилмаси [9, 10].

Хаво тақсимлагич қурилмаси пневмоюритма элементларида қисилган ҳавони роботни бошқариш программаси асосида қайта тақсимлаш, ҳамда ҳавони атмосферага чиқарып юборишни амалга оширади. Двигателларнинг кириш ва чиқишига ўрнатилган дроселлар ёрдамида ҳаво сарфи ростланади.


Пневматик юритмаларда ижро двигателлари сифатида пневмосилиндрлар, поршенли бурилиш двигателлари ва бошқалар қўлланилади.

3.2 – расмда цикли бошқариладиган саноат роботининг бир ҳаракат даражаси пневматик юритмасининг схемаси келтирилган.

Бошқариш қурилмасидан (БҚ) сигнал ҳаво тақсимлагичнинг бошқарувчи элементига (масалан, электромагнитга) юборилади. Бошқариш таъсирига мувофиқ ҳаво тақсимлагич 8 пневмосилиндрнинг 7 бир камерасини ишчи ҳаво магистрали билан боғлайди, бошқа камерасини эса атмосфера билан боғлайди.

Ростланувчи 3 ва 6 таянчлар берилган йўналиш бўйича штокнинг 1 силжиш диапазонини аниқлайди. Таянчлар стерженга 5 жойлаштирилган бўладилар.

Демпфирлаш қурилмаси 2, кўзғалмас таянчга 4 ўрнатилади ва штокнинг тормозланишини амалга оширади.



### **3.2 – расм. Саноат роботи пневмоюритмасининг схемаси:**

БҚ – бошқариш қурилмасидан, 1-шток, 2- демпфирлаш қурилмаси, 3,6- ростланувчи таянчлар, 4- қўзғалмас таянч, 5-стержен, 7-клапанлар, 8- тақсимлагич.

Пневматик юритмалар асосан циклии бошқариладиган саноат роботларида кенг қўлланилади ва уларнинг юк кўтариш қобилияти 20 – 30 кг бўлади.

Пневматик юритмали роботларга “Циклон – 5”, “РФ – 202М”, “ПМР – 0.5”, “РИТМ”, “МП – 9С” роботлари мисол бўлади.

### **3.2. Роботнинг гидравлик юритмаси.**

Гидравлик юритмали саноат роботлари дунё миқёсида барча роботларнинг 40 % ни ташкил этади. Бунга сабаб роботлар гидроюритмаларининг қўйидаги афзалликлариидир: катта солиштирма қувват, юқори тўхташ аниқлиги, шовқин даражасининг пастлиги, мураккаб ҳаракатларни қила олиш имконияти.


Бошқа томондан гидроюритмалар қўйидаги камчиликларга эга:

- температура ўзгарганда ишчи суюқликнинг қовушқоқлигининг ўзгариши;
- махсус манбанинг (насос стансияси) зарурлиги;
- манжетлардан ташқарига суюқлик чиқиши туфайли, ишчи зонанинг ифлосланиши;

➤ хизмат қилиш мураккаблиги;

➤ аралаш системасининг (электрик ва гидравлик) мавжудлиги.

3.3 – расмда саноат роботининг ҳолати бўйича тескари алоқали тақлидли электрогидравлик юритманинг функционал схемаси келтирилган.



### 3.3 – расм. Саноат роботи электрогидравлик юритмасининг функционал схемаси: К – кучайтиргич; ЭГҮ – электрогидравлик ўзгартиргич;

*ГД – гидродвигател; ХД – ҳолат датчиғи; ИО – ижро органи.*

Гидродвигател ГД штокининг ҳолати ўзгариши ҳолат датчиғи ҳД томонидан ўлчаниб, электр сигналига  $U_{ta}$  айлантирилади. Тескари алоқа сигнални  $U_{ta}$  берилган сигнал  $U_b$  билан солиштирилади ва айрмаси  $\Delta U$  кучайтиргич К га юборилади, ундан кейин кучайтирилган  $U_k$  сигнал электрогидравлик кучайтиргич киришига узатилади.


Тескари алоқа датчиклари (бу ҳолда ҳолат датчиғи (ХД)) сифатида потенсиометрлар, селсинлар, айланма трансформаторлар, индуктив, кодли датчиклар ва бошқалар ишлатилади.

Гидравлик системаларнинг асосий элементлари сифатида насос стансиялари, ижро двигателлари, электромеханик бошқариш қурилмалари, кувват кучайтиргичлари қўлланилади. Гидравлик механизмлар дроселли ва ҳажм бошқариладиган бўладилар.

Саноат роботи гидростансиясининг функционал схемаси 3.4 – расмда келтирилган. Ишчи суюқлик насос 5 ёрдамида бак 1 дан системага юборилади. Насос двигател 4 ва вентилатор 3 орқали ишга туширилади.

Суюқлик системага 6,7,9,10 филтрлар орқали юборилади. Температура релеси 2 стансия механизмларини суюқлик темпратураси 35 °C бўлганда ишга туширади. Гидроаккумуляторлар 11 суюқлик сарфи катта бўлганда компенсация қилиш ва суюқлик босими пулсацияларини камайтириш учун хизмат қиласи.

Системада босим ошибб кетганда сақлагич клапан 8 орқали суюқликнинг бир қисми бакга туширилади.



**3.4 – расм. Саноат роботи гидростансиясининг функционал схемаси.**

Гидравлик юритмаларда кўпинча гидродвигател сифатида гидросилиндрлар қўлланилади. Айрим гидросилиндрларга тармоқ қурилмаси ўрнатилган бўлади, бу эса поршен ҳаракатини тормозлаш режимини ростлаш имконини беради. Саноат роботлари учун юқори тезкорликка, ишончлиликка, кичик ўлчамларга эга бўлган гидроюритмаларни яратиш талаб қилинади.

Кўпинча гидравлик юритмалар юк кўтариш қобилияти 10 кг дан юқори бўлган, тўхташ хатолиги кичик бўлган саноат роботларида қўлланилади, ундан ташқари бундай юритмалар жуда катта юк кўтариш қобилиятига ва ишчи зонаси катта бўлган роботларда ҳам ишлатилади. Гидроюритмали роботлар позицион ва контур бошқаришли бўладилар [2, 7].


Гидравлик юритмалар асосида “Универсал – 50” (Россия), “Унимате” (АҚШ), “Хибот” (Япония) роботлари қурилган.

### **3.3. Роботларнинг электрик юритмаси.**

Хозирги вақтда электрик юритмали роботларни яратишига катта эътибор берилмоқда. Электрик юритмали роботлар пневматик ва гидравлик роботларга нисбатан

20 % ни ташкил қиласи. Бундай юритмаларга қизиқишига сабаб электродвигателларнинг жуда кўп турлари мавжудлиги ва уларни бошқариш методлари ишлаб чиқилганлигидир. Бундан ташқари электрик юритмаларда универсал манбани ва ЭҳМ ни бошқариш учун ишлатиш имконияти бор.

Электр юритмаларнинг асосий афзалликлари: монтаж ва созлаш осонлиги, эксплуатация қилиш соддалиги, трубаларнинг йўқлиги, шовқин пастлиги ва ифлосланиш йўқлиги. Шу билан бирга бошқа юритмаларга қараганда саноат роботларида электр юритмаларни ижро система элементи сифатида ишлатилганда ўлчам ва масса кўрсаткичлари яхши эмас, бу эса манипулятор звенолари конструкциялари учун жуда муҳимдир. ҳозирги вақтда чиқарилаётган электродвигателларнинг чиқиш вали юқори айланиш частотасига эга. Айланиш частотасини камайтириш учун редукторларни ишлатиш, юритманинг фойдали иш коефициентини ва солиштирма қувватини камайтиради [8, 10]. Тақлидли электрик юритманинг функционал схемаси 3.5 – расмда келтирилган.



**3.5 - расм. Тақлидли электрик юритманинг функционал схемаси:**

*КК – қувват кучайтиргичи; ИД – ижро двигатели; Р – редуктор;*  
*ТГ – тахогенератор; ХД – ҳолат датчиги; ИО – ижро органи (механик қўйланинг звеноси ёки роботнинг ишчи органи); КЗ<sub>1</sub> ва КЗ<sub>2</sub> – электрик*

*юритманинг корректиралии звенолари;  $Y_b$  - берилган таъсир;  $Y_{ma}$  – тескари алоқа сигнали;  $\Omega$  – чиқши сигнали.*

Саноат роботлари ижро органларида ўзгармас ва ўзгарувчан ток электр двигателлари қўлланилади. ҳар бир электродвигателнинг тури ўз хусусиятларига эга. Одатда саноат роботларида мустақил қўзғатишли ўзгармас ток двигателлари кўп ишлатилиади. Бу двигателлар яхши ростлаш характеристикаларига эга, аммо (шеточний) контакт борлиги уларнинг ишончлилигини ва узоқ вақт ишлатилиш имкониятини пасайтиради. Уларни портлаш хавфи бор шароитларда ишлатиб бўлмайди.

Электрик юритмали саноат роботларининг ривожланиши кўп жиҳатдан компакт, кичик инерсияли ўзгармас ток двигателларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, улар дискли, босма чулғамли якорга, кичик электромеханик вақт доимийсига эгалиги билан ажralиб туради.

Хозирги вақтда қўлланиладиган аралаш қўзғатишли двигателлар асосидаги электр юритмалар юритма энергетик кўрсаткичларини анчагина яхшилаш имконини беради, аммо бундай юритмаларда маҳсус импулсли ярим ўтказгич ўзгартиргичлари талаб қилинади.

Роботлар учун кенг диапазонда бошқариладиган асинхрон двигателларни яратиш катта аҳамиятга эга, чунки бундай двигателлар юқори ишончлиликка ва ёнгин хавфсизлигига эга.

Охирги вақтда турли ишлаш принсипига асосланган чизиқли ҳаракат электродвигателлари, қадамли двигателлар, контакт ўзгармас ток ва пезоэлектрик двигателлар пайдо бўлди.

Чизиқли ҳаракат двигателлар асосида қурилган юритма тўғридан - тўғри илгарилама чизиқли ҳаракат олиш имконини беради, улар кўп ҳолларда функционал афзалликларга ва содда конструкцияга, ишончлилик, юқори бошқарилишга, етарли тезкорликка ва аниқликка эга бўлади.

Масалан, чизиқли қадамли двигателларни аниқ позицияланган ҳаракатларни олишда, очик рақамли программали бошқариладиган системаларни шакллантиришда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади ва улар 5 - 10 мкм аниқликда  $10 \text{ м/с}^2$  тезкорликка ва 0.6 м/с тезликка эга бўладилар.

Россияда магнитли винт принсибида яратилған чизиқли қадамлы двигател 0.011 – 1.6 мм қадамга, 0.1 – 0.267 м/с тезликка, 18 – 220 Н күчге, 2 – 20 кг массаса эга.

Саноат роботларининг турли шароитларда ишлашларини ва ҳар хил ҳаракат қилишларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу электрик юритмани тұғри танлаш зарур. Ижро двигателларини манипуляторнинг ҳаракатланувчи элементларида жойлаштиришни лойиҳалашда, нафақат уларнинг динамик характеристикаларига қараб, балки үлчам ва массасини ҳам ҳисобга олган ҳолда танланилади.


## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий. МЕХАТРОНИКА ВА РОБОТОТЕХНИКА АСОСЛАРИ. МЕХАТРОН ВА РОБОТОТЕХНИК ТИЗИМЛАРНИНГ ТАРКИЙИ ҚИСМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

#### Мехатроника тушунчаси

##### Мехатроника таърифи.

Мехатроника – фан ва техниканинг янги соҳаси бўлиб, функционал характеристи интеллектуал бошқариладиган, сифат жихатдан янги турдаги модул, тизим ва машиналарни лойихалаш ва ишлаб чиқариш учун аниқ механика, замонавий электроника, бошқарув ва дастурлаш тизимларининг синергетик интеграцияси.



Механика

Электромеханика  
Бошқариш схемалари  
Рақамли бошқарув  
Автоматик лойихалаш

Моделлаш тизимлари  
Сенсорлар ва датчиклар  
Микроконтроллерлар  
Симуляторлар

Электроника

Бошқарув

Дастурый таъминот

Кейинги йилларда бутун дунёда фан ва техника соҳасида янги йўналиш бўлган меҳатроника пайдо бўлди ва шиддат билан ривожланмоқда. Меҳатроника механика, электроника, ҳозирги замон компьютерли бошқариш ва инфомацияни қайта ишлаш методлари соҳалари билимларига асосланади.

Меҳатрон модуллар ва системалар янги хусусиятларга эга бўлган технологик машиналар ва агрегатлар, роботларни яратишнинг асоси ҳисобланади.

Мехатроника шундай фан ва техниканинг соҳасики, унда механика, электроника, компьютер компонентларининг сенергетик боғланишлари акс эттирилган бўлади, бу эса ўз навбатида сифат жиҳатдан янги бўлган модуллар, системаларнинг функционал ҳаракатларини ва интеллектуал бошқаришни таъминлайди. Сенергия (грекча) – умумий мақсадга етишишга қаратилган биргаликдаги ҳаракат. Меҳатрониканинг компонентлари 8.1-расмда келтирилган.

Меҳатроника ва меҳатрон технологияларнинг методлари универсал ҳисобланади, улар ёрдамида мураккаб техник системаларни яратиш, автоматлаштирилган лойиҳалаш, машиналарни ва роботларни модул принципи асосида қуриш имконияти мавжуд.

Ҳозирги кунда меҳатрон модуллар ва системалар қўйидаги соҳаларда кенг қўлланилади:

- машинасозлик;
- саноат ва маҳсус робототехника;
- авиация ва космик техника;
- электрон машинасозлик;
- автомобилсозлик;

- микромашиналар;
- назорат-ўлчов қурилмалари ва машиналари;
- интеллектуал машиналар ва х.к.

## Mechatronics Systems



Мехатрон модулларга қуидаги талаблар қўйилади:

- машиналар ва системаларнинг сифат жиҳатдан янги функционал масалаларини бажара олиш;
- машиналар ишчи органларининг ўта юқори тезлигини таъминлаш;
- модулларнинг ультрапрецизион ҳаракатларини микро- ва нанотехнологияларда амалга ошириш;
- модулларнинг ва ҳаракатланувчи системаларнинг компактлилиги;
- кўп координатали машиналарнинг янги кинематик структуралари ва конструктив компановкаларини олиш;
- ўзгарувчи ва ноаниқ ташқи мухитда системаларнинг интеллектуал фаолиятини таъминлаш.

## **Замонавий мехатрон модулларнинг синфланиши**

Замонавий мехатрон системаларни лойихалаш модул принципларга ва технологияларга асосланган.

Умуман мехатрон модуллар қуидаги турларга бўлинди (8.2-расм):

- ҳаракат модули;
- ҳаракат мехатрон модули;
- интеллектуал мехатрон модули.


Модул (М) машинанинг унификацияланган функционал қисми бўлиб, конструктив жиҳатдан мустақил қурилма ҳисобланади.

Мехатрон модул (ММ)- функционал ва конструктив жиҳатдан мустақил қурилма бўлиб, турли физик табиатга эга бўлган қисмлардан ташкил топади ва улар синергетик аппарат - программавий интеграцияланган бўлади.

Одатда мехатрон модуллар бир координата бўйича ҳаракатни (айланма ёки чизиқли) амалга оширади ва камдан-кам икки эркинлик даражасига эга.

Ҳаракат модули (ҲК)- конструктив ва функционал мустақил қурилмадир. У бошқарилувчи двигатель ва механик қурилмадан ташкил топади. Ҳаракат модулининг одатдаги юритмадан фарқи шундан иборатки, унда двигателнинг вали, ҳаракатни механик ўзгартиргичнинг элементи сифатида ишлатилади.

Замонавий мехатрон модулларда жуда кўп электр машиналар ишлатилади яъни асинхрон ва синхрон ўзгармас ток двигателлари, қадамли ва пьезоэлектрик двигателлар ва бошқалар булар қаторига киради.



8.2.расм. Мехатрон модулларнинг синфланиши.

Механик қурилманинг таркибига турли хил редукторлар, ҳаракатни ўзгартиргичлар, вариаторлар ва бошқалар.

Мехатрон ҳаракат модули (МХМ) – конструктив ва функционал мустакил қурилма бўлиб, унинг таркибига бошқарилувчи двигатель, механик ва информацион қурилма киради. Информацион қурилма ўз ичига тескари алоқа схемалари ва информация датчикларни, хамда сигналларни қайта ишловчи, ўзгартирувчи электрон блокларни олади. Бундай датчикларга фотоимпульс датчиклар (инкодерлар), оптик чизғичлар, айланма трансформаторлар киради, улар ҳаракатнинг тезлиги ва ҳолати бўйича информация олиш имконини берадилар.

Интеллектуал мехатрон модул (ИММ) – конструктив ва функционал мустакил қурилма бўлиб двигатель, механик, информацион, электрон ва бошқарувчи қисмларнинг синергетик интеграцияси асосида қурилади.

Шундай қилиб, ИММнинг конструкциясида мекатрон ҳаракат модулларига нисбатан қўшимча бошқарувчи ва электрон қурилмалар ўрнатилган бўлади ва улар модулларнинг интеллектуал хусусиятга эга

бўлишини таъминлайди. Бу гурухга рақамли ҳисоблаш қурилмалари (микроконтроллерлар, процессорлар, сигнал процессорлари ва х.к.), электрон куч ўзгартиргичлари, алоқа ва боғланиш компьютер қурилмалари киради.

Мехатроника таърифига фақат мехатрон модуллар мос келади.

Мехатрон машиналар кўп ўлчамли системалар бўлиб, улар икки ва ундан ортиқ модуллар асосида яратилади.

Ишлаб чиқариш системалари учун мўлжалланилган мехатрон машина роботнинг умумлашган структура схемаси 8.3-расмда келтирилган.

Кўрилаётган машиналар (роботлар) учун ташқи муҳит технологик муҳитдан иборат бўлади ва у технологик жиҳозлардан, технологик қурилмалардан ва объектлардан ташкил топади. Ташқи муҳитларни асосан икки синфга бўлиш мумкин: детерминирланган ва нодетерминирланган .

Детерминирланган муҳитларга ташқи таъсир параметрлари ва объектлар характеристикалари олдиндан керакли аниқликда маълум бўлган муҳитлар киради. Айрим муҳитлар ўзининг табиати бўйича нодетерминирланган бўлади, масалан, экстремал сув ости ва ер ости муҳитлари.

Технологик муҳитларнинг характеристикалари аналитик тажриба тадқиқотлари ёрдамида ва компьютерли моделлаш методлари орқали аниқланади.

## **2-амалий. МЕХАТРОН ВА РОБОТОТЕХНИК ТИЗИМЛАРНИ ДАВРИЙ, ПОЗИЦИОН, КОНТУРЛИ, ДАСТУРЛИ, АДАПТИВ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ.**

Саноат роботларининг бошқариш системалари бошқариш турига қараб қуийдаги гурухларга бўлинади: программили, адаптив ва интеллектуал. Бундай бўлинишнинг асосини роботларни бошқариш учун зарур информация олиш усули, саноат роботи ҳаракатини бошқариш принсиби ташкил қиласди.

Ҳаракатни бошқариш принсиби бўйича роботларнинг бошқариш системалари программа асосида бошқариладиган системаларга, ташқи муҳит


ҳақидаги информация бўйича ишлайдиган бошқариш системаларига ва аралаш системаларга бўлинади [5].

Программали бошқариш системалари саноат роботларини бошқариш системалари иерархиясида паст ўринда туради. Бундай бошқариш системалари роботнинг ва ташқи муҳитнинг тўла аниқ бўлишини ва ишлаш шароитининг ўзгармаслигини талаб қилади.

1 – расмда саноат роботининг бошқариш системасининг функционал схемаси келтирилган. Бу системанинг ишлаши қуйидаги параметрлар билан характерланади:  $Y$  – бошқариш объектининг ҳолатини характерловчи вектор (ишчи қурилмалар ҳаракат даражаларининг координаталари);  $\bar{G}$  – берилган таъсир, бошқариш программаси шаклида бўлиб, бошқариладиган катталик  $Y$  нинг берилган ўзгариш қонуни бўйича информцияни ўз ичига олади ва программа - вақт қурилмасига киритилади. Ушбу  $\bar{Y}(t)=\bar{Y}_6(t)$  тенгликка риоя қилинса, программанинг аниқ бажарилиши амалга оширилади ва шунга мос равишда робот ишчи қурилмаларнинг керакли силжишлари амалга оширилади, яъни ҳар бир юритма ўзига таалуқли ҳаракат даражасига мос келувчи  $\bar{G}(t)$  программани бажаради ва натижада тўлиқлигича керакли ҳаракат амалга оширилади.

Дастурлаштирилган роботларга автоматик ишловчи программали бошқариладиган роботлар киради, уларда манипуляцион операцияларнинг характеристига қараб программалаш ва механик қурилмаларининг ишлаши нисбатан осон мослаштирилади. Бундай роботларда бошқариш қурилмаси сифатида программали бошқариш қурилмаси ёки компьютер ишлатилади. Биринчи авлод роботлари етарли даражада универсал ва кўп имкониятларга ега ҳисобланади. Мавжуд автоматлаштириш воситаларига қараганда биринчи авлод саноат роботлари янги топшириларни бажаришга тез ва яхши мослашади.

Дастурлаштирилган роботнинг структура схемаси 2.5расмда келтирилган



2.5 Расм Дастанлаштирилган роботнинг структура схемаси

Дастанлаштирилган роботда адаптив роботдаги сенсор қурилмалар бўлмайди, уларда фақат холат, тезлик ва куч датчиклари қўлланилади. Масалан, конвейерда детал келаётган бўлса ва агар детал тугаб олса, дастанлаштирилган робот детал йўқлигини сезмайди, адаптив робот еса ўзининг сенсор қурилмалари ёрдамида детал йўлиги бўйича информация олиб, ўз дастурини ўзгартиради. Шундай қилиб, адаптив робот ишлаш жараёнида таши муҳитга мослаша олади.

#### **Адаптив ва программали роботларнинг ишлаш принциплари.**


Адаптив роботлар, улар ташқи муҳит ўзгаришларига мослаша олади. Адаптив роботларнинг биринчи авлод программали роботларга қараганда функционал имкониятлари кенг бўлади. Ташқи муҳит бўйича информацияни олишда турли хил сенсор қурилмалардан фойдаланилади.

Адаптив робот дастанлаштирилган роботларга қараганда таши муҳит ўзгаришларига мослаши олади, уларда адаптация ташқи муҳитдан сенсор қурилмалари орқали олинган информация асосида бошқариш амалга оширилади. Адаптив роботларнинг дастурий таъминотлари 1- авлод роботларига нисбатан мукаммал тузилган.

Дастурлаштирилган роботларга автоматик ишловчи программали бошқариладиган роботлар киради, уларда манипуляцион операцияларнинг характеристига қараб программалаш ва механик курилмаларининг ишлаши нисбатан осон мослаштирилади. Бундай роботларда бошқариш қурилмаси сифатида программали бошқариш қурилмаси ёки компьютер ишлатилади. Биринчи авлод роботлари етарли даражада универсал ва кўп имкониятларга ега ҳисобланади. Мавжуд автоматлаштириш воситаларига араганда биринчи авлод саноат роботлари янги топшириларни бажаришга тез ва яхши мослашади.

### **2.1.Интеллектуал робот умумий схемаси.**

Интеллектуал роботлар ташки муҳитни ўзида акс эттира олади, автоматик равишда бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар бўйича қарор қабул қилиш имкониятига эга. Интеллектуал роботлар одамга ўхшаш турли интеллектуал ва олдиндан режалаштирилган ҳаракат функцияларини бажаради. 2.6-расмда интеллектуал роботнинг структура схемаси келтирилган.



2.6- rasm. Intelлектуал робот сртуктур схемаси.

- 1- manipulyatorlar, 2- harakatlanish qurilmasi,
- 3- programmalarni o'zgartirish qurilmasi, 4- hisoblash qurilmasi, 5- sun'iy intellekt, 6- sensor qurilmalar,
- 7- muloqot qurilmasi, 8- manba bloki;

## 2.2.Интеллектуал роботнинг асосий қисмлари ва уларнинг асосий вазифалари.

Интеллектуал робот қуйидаги қисмлардан иборат:

- БҚ- бошқариш қурилмаси;
- ТИС - таъминот ижро системаси;
- ТМ – ташқимухит;
- информацион ўзаро таъсир;
- материал-энергетикўзаро таъсир ва алоқалар.

Интеллектуал роботнинг бошқариш қурилмаси (БҚ) роботга интеллектуаллик хусусиятини таъминлайди ва ташки мухит билан фаол ва

мақсадли информацион ўзаро таъсирларни бир неча компьютерлар асосида амалга оширади.

Бошқарув қурилма қўйидагилардан ташкил топади:

- сенсор қурилмаси (6), у ташқи муҳит ва роботнинг ҳолати бўйича инфомация билан таъминлайди;
- муроқот қурилмаси (7) роботнинг оператор билан ва ташқи муҳитдаги функционал қурилмалар билан диалоги учун хизмат қиласди;
- сунъий интеллект (5) образларни билиш, маълум предмет соҳасидаги билимларни йиғиши ва ишлатишга хизмат қиласди;
- ҳисоблаш қурилмаси (4) бошқариш программаларини шакллантиради;
- программаларни ўзгартириш қурилмаси (3) бошқариш программаларини ўзгартиради ва манипулятор юритмаларини, харакатланиш қурилмасини, ташқи муҳитдаги технологик жиҳозларни бошқариш учун керакли ҳолга келтиради;
- ташқ имуҳит (9) – реал мавжуд физик муҳит, робот у билан инфомациян ва энергетик ўзаро таъсирда бўлади.

Агар робот ишлаб чиқариш шароитида ишлатилса, унда роботнинг ташқи муҳитига оператор, бошқа роботлар, технологик жиҳозлар, технологик жараёнлар, транспорт системалари, энергия таъминоти системалари ва бошқалар киради.

Хозирги вақтда жаҳонда интеллектуал роботларнинг айрим турлари яратилган. Масалан, АҚШнинг “Шейки” ва Япониянинг “Хивип” роботлари. Улар маълум предмет соҳасида ташқи муҳитни ўзининг сенсор қурилмалари ёрдамида қабул қиласди, ахборотларни қайта ишлаб қарор қабул қиласди ва ташқи муҳитга мослашиб, айрим интеллектуал масалаларни еча олади.

## **Назорат соволлари**

6. Интеллектуал роботга тарифи беринг.
7. Интеллектуал робот қандай қисмлардан иборат?
8. Интеллектуал робот асосий ташкилий қисмлари нималардан иборат?
9. Бошқариш қурилма нималардан ташкил топган?
10. Ҳозирги вақтда жаҳонда интеллектуал роботларнинг қандай турлари яратилган?

### **З-амалий: ИЖРОЧИ ҚУРИЛМАЛАР, ЭЛЕКТРОМАГНИТЛАР, ЎЗГАРУВЧАН ВА ДОИМИЙ ТОК ДВИГАТЕЛЛАРИ, ГИДРАВЛИК ВА ПНЕВМАТИК ЮРИТМАЛАР.**

Юритмалар саноат роботининг ижро системасига кирадилар ва манипуляторнинг механик звеноларини ҳаракатга келтириш вазифасини бажарадилар.

Робот механик системасининг структураси ва параметрлари юритма тури билан аниқланади, ундан ташқари юритма саноат роботининг бошқариш системасини танлашга таъсир қиласи [7].

Юритмаларни қўйидаги хусусиятлар билан синфлаш мумкин: энергия тури, бошқариш усули, ижро двигателининг тури ва бошқалар (3.1 – расм).

Энергия тури бўйича юритмаларнинг синфланиши 3.1 – расмда келтирилган. Бу хусусият робот юритмаларини синфлашда асосий ҳисобланади. Аralаш юритмаларда гидравлик, пневматик ва электрик юритмалар турли вариантларда қўлланилади. Аralаш юритмаларни танлашда саноат роботининг функцияси ҳисобга олинади ва бунда юритмаларнинг характеристикаларини янада самаралироқ ишлатиш мумкин бўлади.

Саноат роботларининг юритмалари бошқариш усули бўйича қўйидаги гурухларга бўлинади:

5. Таянчлар бўйича позицияланадиган очик юритмалар. Бу усул циклли бошқариш системасига эга бўлган саноат роботларида ишлатилади.
6. Рақамли бошқариладиган очик юритмалар.
7. Ҳолат ва бошқа параметрлар бўйича текари алоқали тақлидли юритмалар. Бу усул кенг тарқалган, позицион ва контур бошқаришли саноат роботларида қўлланилади.
8. Аralаш юритмаларда юқорида келтирилган бошқариш усулларининг турли варианtlари қўлланилади.


Ижро двигателларнинг тури бўйича юритмалар қўйидаги гурухларга бўлинадилар:

4. Илгарилама тўғри чизиқли ҳаракат қилувчи двигателли юритмалар: гидросилиндрлар, пневмосилиндрлар, чизиқли ҳаракат двигателлари ва бошқалар.

5. Айланма кичик оборотли двигателли юритмалар: роторли гидро ва пневмосилиндрлар, радиал – поршенли гидромоторлар, пневмомоторлар.

6. Айланма юқори оборотли двигателли юритмалар: электродвигателлар, пневмодвигателлар.

Юритмаларнинг асосий характеристикаларига қувват, тезкорлик, статик ва динамик аниқлик киради. Юритманинг тезкорлиги ижро двигателининг қуввати билан аниқланади. Юритманинг қуввати эса қўлланилган ижро двигателининг қуввати билан аниқланади. Юритманинг тезкорлиги ижро двигателининг қуввати ва узатиш механизмларининг параметрлари билан аниқланади. Позицияда тўхташ аниқлиги юритманинг кучайтириш коеффициентига, тўхташ нуқтасига яқинлашиш режимига ва тескари алоқа датчикларининг ишлаш аниқлигига боғлиқ бўлади.



### **3.1 – расм. Саноат роботлари юритмаларининг синфланиши.**

#### **3.1. Роботнинг пневматик юритмаси**

Хозирги вақтда пневматик юритмали саноат роботлари энг кенг тарқалган. Пневматик юритманинг афзаликларига уни бошқариш соддалиги, ясаш арzonлиги ва ёнгинга хавфсизлиги киради.

Пневматик юритмаларнинг камчиликлариiga тезлик қийматини доимий эмаслиги ва системанинг турғунлиги пастлиги киради. Пневматик юритма элементларининг ишончлилиги қисилган ҳавони тайёрлаш сифатига боғлиқ бўлади ва бунда ҳаво босимининг барқарор бўлишига, ифлослардан тозалашга ва элементларни мойлашга эътибор бериш керак бўлади.

Пневматик юритма ишлаганда сарфланган энергиянинг 24 % и ишлатилади. Ундан ташқари, ҳавонинг қисилувчанлиги даражаси юқори бўлганлиги сабабли, пневматик юритма паст сезувчанликка, катта вақт доимийлигига эга ва натижада тезкорлиги паст бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, пневматик юритмаларда берилган нуқтада фиксация қилиш учун тормозлаш анча қийинчиликлар туғдиради.

Пневматик юритма қуйидаги элементлардан ташкил топади: ижродвигател, тақсимлагич қурилмаси, тезликни ростлаш учун дроселлар, босим редуктори, демпфирлаш қурилмаси [9, 10].

Ҳаво тақсимлагич қурилмаси пневмоюритма элементларида қисилган ҳавони роботни бошқариш программаси асосида қайта тақсимлаш, ҳамда ҳавони атмосферага чиқариб юборишни амалга оширади. Двигателларнинг кириш ва чиқишига ўрнатилган дроселлар ёрдамида ҳаво сарфи ростланади.

Пневматик юритмаларда ижро двигателлари сифатида пневмосилиндрлар, поршенли бурилиш двигателлари ва бошқалар қўлланилади.


3.2 – расмда цикли бошқариладиган саноат роботининг бир ҳаракат даражаси пневматик юритмасининг схемаси келтирилган.

Бошқариш қурилмасидан (БҚ) сигнал ҳаво тақсимлагичнинг бошқарувчи элементига (масалан, электромагнитга) юборилади. Бошқариш таъсирига мувофиқ ҳаво тақсимлагич 8 пневмосилиндрнинг 7 бир

камерасини ишчи ҳаво магистралы билан боғлайды, бошқа камерасини эса атмосфера билан боғлайды.

Ростланувчи 3 ва 6 таянчлар берилган йўналиш бўйича штокнинг 1 силжиши диапазонини аниқлайди. Таянчлар стерженга 5 жойлаштирилган бўладилар.

Демптирлаш қурилмаси 2, қўзғалмас таянчга 4 ўрнатилади ва штокнинг тормозланишини амалга оширади.



### **3.2 – расм. Саноат роботи пневмоюритмасининг схемаси:**

БҚ – бошқариш қурилмасидан, 1-шток, 2- демптирлаш қурилмаси, 3,6- ростланувчи таянчлар, 4- қўзғалмас таянч, 5-стержен, 7-клапанлар, 8- тақсимлагич.

Пневматик юритмалар асосан циклли бошқариладиган саноат роботларида кенг қўлланилади ва уларнинг юк кўтариш қобилияти 20 – 30 кг бўлади.

Пневматик юритмали роботларга “Циклон – 5”, “РФ – 202М”, “ПМР – 0.5”, “РИТМ”, “МП – 9С” роботлари мисол бўлади.

### **3.2. Роботнинг гидравлик юритмаси.**


Гидравлик юритмали саноат роботлари дунё миқёсида барча роботларнинг 40 % ни ташкил этади. Бунга сабаб роботлар гидроюритмаларининг қуйидаги

афзалликларидир: катта солиширмада күвват, юқори тұхташ аниқлиги, шовқин даражасининг пастлығы, мураккаб ҳаракаттарни қила олиш имконияти.

Бошқа томондан гидроюритмалар қуидаги камчиликтарга эга:

- температура ўзгарганда ишчи суюқликнинг қовушқоқлигининг ўзгариши;
- махсус манбанинг (насос станцияси) зарурлиги;
- манжетлардан ташқарига суюқлик чиқиши туфайли, ишчи зонанинг ифлосланиши;
- хизмат қилиш мураккаблиги;
- аралаш системасининг (электрик ва гидравлик) мавжудлиги.

3.3 – расмда саноат роботининг ҳолати бүйича тескари алоқали тақлидли электрогидравлик юритманинг функционал схемаси келтирілген.



**3.3 – расм. Саноат роботи электрогидравлик юритмасининг функционал схемаси:  $K$  – қучайтиргич; ЭГҮ – электрогидравлик ўзгартиргич; ГД – гидродвигател; ХД – ҳолат датчиғи; ИО – ижро органды.**


Гидродвигател ГД штокининг ҳолати ўзгариши ҳолат датчиги ҳД томонидан ўлчаниб, электр сигналига  $U_{ta}$  айлантирилади. Тескари алоқа сигнални  $U_{ta}$  берилган сигнал  $U_b$  билан солиштирилади ва айрмаси  $\Delta U$  кучайтиргич К га юборилади, ундан кейин кучайтирилган  $U_k$  сигнал электрогидравлик кучайтиргич киришига узатилади.

Тескари алоқа датчиклари (бу ҳолда ҳолат датчиги (ХД)) сифатида потенсиометрлар, селсинлар, айланма трансформаторлар, индуктив, кодли датчиклар ва бошқалар ишлатилади.

Гидравлик системаларнинг асосий элементлари сифатида насос стансиялари, ижро двигателлари, электромеханик бошқариш қурилмалари, кувват кучайтиргичлари қўлланилади. Гидравлик механизмлар дроселли ва ҳажм бошқариладиган бўладилар.

Саноат роботи гидростансиясининг функционал схемаси 3.4 – расмда келтирилган. Ишчи суюқлик насос 5 ёрдамида бак 1 дан системага юборилади. Насос двигател 4 ва вентилатор 3 орқали ишга туширилади. Суюқлик системага 6,7,9,10 філтрлар орқали юборилади. Температура релеси 2 стансия механизмларини суюқлик темпратураси  $35^{\circ}\text{C}$  бўлганда гидроаккумуляторлар 11 суюқлик сарфи катта бўлганда компенсация қилиш ва суюқлик босими пулсацияларини камайтириш учун хизмат қиласи.

Системада босим ошибб кетганда сақлагич клапан 8 орқали суюқликнинг бир қисми бакга туширилади.



**3.4 – расм. Саноат роботи гидростансиясининг функционал схемаси.**

Гидравлик юритмаларда кўпинча гидродвигател сифатида гидросилиндрлар қўлланилади. Айрим гидросилиндрларга тармоқ қурилмаси ўрнатилган бўлади, бу эса поршен ҳаракатини тормозлаш режимини ростлаш имконини беради. Саноат роботлари учун юқори тезкорликка, ишончлиликка, кичик ўлчамларга эга бўлган гидроюритмаларни яратиш талаб қилинади.

Кўпинча гидравлик юритмалар юк кўтариш қобилияти 10 кг дан юқори бўлган, тўхташ хатолиги кичик бўлган саноат роботларида қўлланилади, ундан ташқари бундай юритмалар жуда катта юк кўтариш қобилиятига ва ишчи зонаси катта бўлган роботларда ҳам ишлатилади. Гидроюритмали роботлар позицион ва контур бошқаришли бўладилар [2, 7].

Гидравлик юритмалар асосида “Универсал – 50” (Россия), “Унимате” (АҚШ), “Хибот” (Япония) роботлари қурилган.


### **3.3. Роботларнинг электрик юритмаси.**

Ҳозирги вактда электрик юритмали роботларни яратишга катта эътибор берилмоқда. Электрик юритмали роботлар пневматик ва гидравлик роботларга нисбатан

20 % ни ташкил қиласи. Бундай юритмаларга кизиқишига сабаб электродвигателларнинг жуда кўп турлари мавжудлиги ва уларни бошқариш методлари ишлаб чиқилганлигидир. Бундан ташқари электрик юритмаларда универсал манбани ва ЭҳМ ни бошқариш учун ишлатиш имконияти бор.

Электр юритмаларнинг асосий афзаликлари: монтаж ва созлаш осонлиги, эксплуатация қилиш соддалиги, трубаларнинг йўқлиги, шовқин пастлиги ва ифлосланиш йўқлиги. Шу билан бирга бошқа юритмаларга қараганда саноат роботларида электр юритмаларни ижро система элементи сифатида ишлатилганда ўлчам ва масса кўрсаткичлари яхши эмас, бу эса манипулятор звенолари конструкциялари учун жуда муҳимдир. ҳозириги вақтда чиқарилаётган электродвигателларнинг чиқиш вали юқори айланиш частотасига эга. Айланиш частотасини камайтириш учун редукторларни ишлатиш, юритманинг фойдали иш коефициентини ва солишишторма

кувватини камайтиради [8, 10]. Тақлидли электрик юритманинг функционал схемаси 3.5 – расмда келтирилган.



### 3.5 - расм. Тақлидли электрик юритманинг функционал схемаси:

*КК – қувват кучайтиргичи; ИД – ижро двигателни; Р – редуктор; ТГ - тахогенератор; ХД – ҳолат датчиги; ИО – ижро органи (механик қўлнинг звеноси ёки роботнинг ишчи органи); КЗ<sub>1</sub> ва КЗ<sub>2</sub> – электрик юритманинг корректирулаши звенолари; У<sub>6</sub> - берилган таъсир; У<sub>та</sub> – тескари алоқа сигнални; Ω – чиқиши сигнални.*

Саноат роботлари ижро органларида ўзгармас ва ўзгарувчан ток электр двигателлари қўлланилади. ҳар бир электродвигателнинг тури ўз хусусиятларига эга. Одатда саноат роботларида мустақил қўзғатишли ўзгармас ток двигателлари кўп ишлатилади. Бу двигателлар яхши ростлаш характеристикаларига эга, аммо (шеточний) контакт борлиги уларнинг ишончлилигини ва узоқ вақт ишлатилиш имкониятини пасайтиради. Уларни портлаш хавфи бор шароитларда ишлатиб бўлмайди.

Электрик юритмали саноат роботларининг ривожланиши кўп жиҳатдан компакт, кичик инерсияли ўзгармас ток двигателларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, улар дискли, босма чулғамли якорга, кичик электромеханик вақт доимийсига эгалиги билан ажralиб туради.

Ҳозирги вақтда қўлланиладиган аралаш қўзғатишли двигателлар асосидаги электрик юритмалар юритма энергетик кўрсаткичларини анчагина яхшилаш имконини беради, аммо бундай юритмаларда маҳсус импулсли ярим ўтказгич ўзгартиргичлари талаб қилинади.

Роботлар учун кенг диапазонда бошқариладиган асинхрон двигателларни яратиш катта аҳамиятга эга, чунки бундай двигателлар юқори ишончлиликка ва ёнгин хавфсизлигига эга.

Охирги вақтда турли ишлаш принципига асосланган чизиқли ҳаракат электродвигателлари, қадамли двигателлар, контакт ўзгармас ток ва пезоэлектрик двигателлар пайдо бўлди.

Чизиқли ҳаракат двигателлар асосида қурилган юритма тўғридан - тўғри илгарилама чизиқли ҳаракат олиш имконини беради, улар кўп ҳолларда функционал афзалликларга ва содда конструкцияга, ишончлилик, юқори бошқарилишга, етарли тезкорликка ва аниқликка эга бўлади.


Масалан, чизиқли қадамли двигателларни аниқ позицияланган ҳаракатларни олишда, очик рақамли программали бошқариладиган системаларни шакллантиришда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади ва улар 5 - 10 мкм аниқликда  $10 \text{ м/с}^2$  тезкорликка ва 0.6 м/с тезликка эга бўладилар.

Россияда магнитли винт принципида яратилган чизиқли қадамли двигател 0.011 – 1.6 мм қадамга, 0.1 – 0.267 м/с тезликка, 18 – 220 Н кучга, 2 – 20 кг массага эга.

Саноат роботларининг турли шароитларда ишлашларини ва ҳар хил ҳаракат қилишларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу электрик юритмани тўғри танлаш зарур. Ижро двигателларини манипуляторнинг ҳаракатланувчи элементларида жойлаштиришни лойиҳалашда, нафақат уларнинг динамик характеристикаларига қараб, балки ўлчам ва массасини ҳам ҳисобга олган ҳолда танланилади.

#### **4-амалий: СЕЗГИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ, ДАТЧИКЛАР ВА СЕНСОРЛАР. РАҚАМЛИ СХЕМАТЕХНИКА ВА КУЧ ЭЛЕКТРОНИКАСИ.**

Ҳозирги кунга келиб жаҳонда инсон ўрнини босувчи турли оиласа мансуб роботлар ишлаб чиқилган ва кенг қўлланилиб келинмоқда. Роботнинг структура-функционал схемаси 1.1-расмда келтирилган.



1.1-расм. Роботнинг структура-функционал схемаси.

Умумий ҳолда робот 4 қисмдан ташкил топган: информацион-ўлчов (“**Сенсорика**”), бошқарувчи (“**Мия**”), ижро (“**Моторика**”) ҳамда бошқа роботлар, инсонлар ва роботнинг ички тизимлари билан боғланиш тизими (“**Тил**”).

**Роботнинг информацион-ўлчов тизими (“Сенсорика”)** – робот сезгилирининг сунъий органлари бўлиб, ташқи муҳитдан ҳамда роботнинг бошқарувчи тизими (“мия”) фойдаланувчиларига мос равишда роботнинг ўзи ҳақидаги информацияни олиш ва уни ўзгартириш учун мўлжалланган.

**Роботнинг бошқарувчи тизим (“Мия”)**, биринчидан, бажарувчи тизим юритмалари (двигателлари) механизмларини бошқарув қонуниятларини ишлаб чиқариш, бунда информацион-ўлчов тизимидан қайтаётган тескари алоқа сигналларидан фойдаланилади; иккинчидан, робот инсон билан мулоқатда бўлиши учун. Роботнинг интеллектуал қобилияtlари унинг бошқарувчи ҳамда информацион-ўлчов тизими билан аниқланади.

**Роботнинг ижро тизими (“Моторика”)** бошқарувчи тизим шакллантираётган сигналлар (дастурлар)ини бажариш ҳамда атроф муҳитга таъсир кўрсатиш учун ҳизмат қиласди. Ижро тизимига мисоллар: манипуляторлар (механик қўллар), педипуляторлар (механик оёқлар), ўзиюрар аравачалар, 3D-томографлар ва бошқалар.

**Роботнинг боғланиш тизими (“Тил”)** бошқа роботлар, инсонлар ва роботнинг ички тизимлари билан уларга тушунарли бўлган тилда информация алмашиш учун мўлжалланган. Бундай алмашувнинг мақсади – инсон роботга топшириқ шакллантириши, инсон ва робот орасида диалогни ташкил қилиш, робот ишини назорат қилиш, носозликларни

диагностика вилиш ва роботни регламентли текшириш. Одатда информация инсондан роботга бошқарув пульти ёки киритиш қурилмаси ёрдамида (клавиатурда териш, нутқ орқали мурожаат, видеинформацияни киритиш, биопотенциллар ёрдамида информация киритиш ва бошқалар) узатилади.

Демак, инсон роботга ҳам бевосита, ҳам восита ёрдамида информация узатиши мумкин экан. Биринчи усулда информация роботнинг бошқарув тизими хотирасига киритилади, иккинчи усулда эса сунъий сезги органлари орқали киритилади.

### **1.2.Адаптив роботнинг хоссалари**

Робот реал дунё билан фаол ўзаро таъсиралиши орқали ўрганишлик қобилияти билан турли автоматлардан фарқ қиласди. Автоматлардан фарқли равишда роботлар – кўп мақсадларга мўлжалланган (бирор операциядан бошқасига қайта ўргатиш мумкин бўлган)универсал автоматик тизимдир. **Робот** деб реал дунё билан фаол ўзаро таъсиралиши орқали ўрганишлик қобилиятига эга бўлган ва инсон томонидан жисмоний ёки ақлий меҳнат фаолияти давомида бажариладиган турли операцияларни тақлид этадиган универсал автоматик тизимга айтилади.

Шундай қилиб, роботларнинг ўзига ҳос жиҳатлари қуйидагилардир: универсаллик, ҳис қилиш қилиш жараёнида ўрганиш ва мослашишқобилияти (сунъий сезги органлари ёрдамида), атроф муҳитга таъсири кўрсатиш (ижро механизми ёрдамида), ҳамда инсоннинг жисмоний ҳамда ақлий фаолиятини автоматлаштириш билан боғлик бўлган кўп мақсадлилигидир.

Бошқача айтганда **робот – адаптив тизимдир**. Адаптив тизим ички ва ташки шароитларни ўзгаришига мослаша олади. Содда адаптив тизим сифатида тескари алоқага эга тизимни (кузатиш тизими) олишимиз мумкин.

Адаптив тизим сифатида адаптив роботни бошқарув тизимини кўриб чиқамиз (1.2-расм). Информацион тизим таркиби атроф-муҳитни ҳис қилиш тизимостиси ҳамда алоқа тизимостиси киради. Ҳис қилиш тизимости датчиклар (ўлчов ўзгартиргичлари ёки информацион қурилмалар) га эга бўлиб, улардастлабки ўзгартиргичларга эга (расмда кўрсатилмаган). Сигналлар датчиклардан ахборотларни қайта ишлаш блокига келиб тушади. Бунда ахборот математик модел қўринишида ишлатилади. Олинган маълумот ижро этувчи,тактил ҳамда стратегик даражада ҳаракатни режалаштириш учун ишлатилади. Бу ҳаракатлар ижро механизми ёрдамида амалга оширилади.Робот учун ижро органи бўлиб мос асбоблар билан жиҳозланган манипуляторлар ҳисобланади. Кўриб ўтилган схема мобил робот учун ҳам мос келади, унда ишчи механизмга ҳаркатланиш воситалари ҳам киради.




1.2-расм. Адаптив робот тузилма схемаси.



1.3-расм. Манипуляторлар.

Берилган топшириқларни бажариш учун роботларнig кўп қисми ташқи муҳит билан таъсирлашади. Баъзида ташқи муҳитдаги бирор объектнинг операторнинг таъсирисиз силжитиш талаб этилади. Манипуляторлар робот конструкциясининг базавий элементи хисобланмайди, яъни робот манипуляторсиз ҳам ишлай олади.



1.4-расм. Роботлар мустақил стул йиғмоқдалар.

### 1.3.Информацион қурилмаларнинг турлари

Информацион тизим билан боғлиқ бўлган тушунчаларни кўриб чиқамиз.

**Бирламчи (дастлабки) ўзгартиргичлар** ёки **сезувчи элементлар**(СЭ) деб ташқи таъсир натижасида ўз ҳолатини ўзгартирадиган содда информацион тизим элементи тушунилади, масалан фотодиод ёки тензорезистор.

**Датчик** деб ўлчанаётган физик катталик таъсирида унга эквивалент бўлган сигнал чиқарувчи қурилмага айтилади. Чиқишдаги катталик ўлчанаётган катталикка мос функция ҳисобланади. Содда датчик битта ёки бир нечта бирламчи ўзгартиргичлар ва ўлчаш занжиридан ташкил топган бўлади. Датчикларнинг кўп қисми ташқи манбага эса, юклама сифатида эса кучайтиргич, ўлчов асбоби, компьютер билан мословчи блок ёки бошқалар ишлатилиши мумкин.

Техникада кўлланиладиган СЭлари ичидан фақат робототехник ва мехатрон тизимларнинг асосий функциялари, жумладан: кинестетик, локацион, визуал ва тактил сенсор функцияларини амалга оширадиган турларини кўриб чиқамиз.

Информацияни қайта ишлаш физик тамойилига кўра қуйидаги СЭ турлари мавжуд:


- резистив(тензо- ва фоторезисторлар);
- электромагнит(индуктив, индукцион ва бошқалар);
- Холл ўзгартиргичлари;

- оптик ўзгартиргичлар;
- пьезоэлектрик ўзгартиргичлар.

Робототехника ва меҳатроникада кинестетик датчиклар кенг қўлланилади. Бу турдаги датчикларсиз силжишнинг чизиқли ва бурчак параметрларини, талаб этилаётган ҳаракат тезлигини назорат қилиш каби турли масалаларни ечиб бўлмайди. Ҳозирги кунга келиб ишлаб чиқаришдаги информацион қурилмаларнинг деярли 70 % кинестетик функцияларни амалга оширади. Кинестетик сенсорлар киришдаги таъсирига кўра уч гурухга бўлинади:

- 1) ҳолат ва силжиш датчиклари;
- 2) тезлик датчиклари;
- 3) куч датчиклари ва акселерометрлар.

**Ҳолат датчиклари** – бошқарув обьекти фазода маълум нуқтадан ўтганда, датчикнинг сезиш зонасида қайд этиладиган чиқиш сигналини шакллантирувчи қурилмадир. Чиқищдаги сигнал сифатида ток, кучланиш, рақамли код бўлиши мумкин. Саноат миқёсида кенг кўламдаги силжиш датчиклари ишлаб чиқарилади, шунинг учун бундай датчик танлашда қўйидагиларни инобатга олиш зарур: ёйилмаси ва аниқлиги; ҳарактеристикасининг чизиқлилиги; ўлчанаётган жараённинг тезлиги; қўлланиш шароитлари ва ҳомия синфи; ишончлилиги ва ўлчамлари; нарҳи.



1.5-расм. Ҳолат датчиклари.

Датчикларнинг бу тури асосан учувчисиз транспорт воситаларида, саноат роботларида, ҳамда ўз-ўзини баланслашни талаб этадиган қурилмаларда ишлатилади. Ҳолат датчикларига GPS (глобал позиционирлаш тизими), ориентирлар (маёқ вазифасини бажарадилар), гироскоплар (айланиш бурчагини аниқлайдилар) ва акселерометрлар киради. GPS – фазода роботнинг масофа, вақт ва жойлашиш манзилигни аниқлашнинг йўлдош орқали навигациялаш тизими ҳисобланади. GPS учувчисиз ерда, ҳавода ва сувда ҳаракатланувчи транспорт воситаларига ўз маршрутини топиш ва қийинчиликларсиз бир нуқтадан иккинчисига ҳаракатланишига имкон беради.

Гироскоплар робототехникада кенг қўлланиладигане воситалардир. Улар ихтиёрий қурилманинг баланслашуви ва барқарорлигига жавоб

берадилар. Детал нисбатан арzon бўлганлиги сабабли, уларни ихтиёрий қурилмаларда қўллаш мумкин.

Акселерометр – роботга ташқи кучлар таъсирида тана ҳаракати тезлигини ўлчаш имконини беради. Бу қурилма массив танага ўхшайди, у бирор ўқ бўйлаб ҳаракатланиши ва қурилма корпусига пружина ёрдамида маҳкамланиши мумкин. Агар бунда қурилма ўнгга итариб юборилса, у ҳолда юк йўналтирувчи ўқ бўйлаб ўқ марказидан чапга оғади.

Датчик назорат қилинаётган обьектнинг абсолют (мутлақ) ҳамда нисбий ҳолатларини аниқлайди. Шундай келиб чиқсан ҳолатни аниқлаш ва силжишни ўлчашнинг иккита асосий усулби мавжуд.

Биринчи услубда, датчик доимий равишда обьект ҳолатига пропорционал бўлган сигнал ишлаб чиқаради, бу сигналнинг ўзгаришларини силжиш акс этади. Бундай датчиклар – **абсолют датчиклар**деб аталади. Уларга қуйидаги датчиклар киради:

- резистив (потенциометрик) датчиклар;
- ҳаракатланувчи ўзакка эга индукцион датчиклар;
- ҳаракатланувчи обкладкаларга эга сифимли датчиклар;
- ракамли кодга эга датчиклар.

Иккинчи услубда датчик ҳар бир силжишда ягона импульс генерациялайди, ҳолати эса бешта ҳаракатнинг йўналишидан келиб чиқсан ҳолдап импульс натижаларини кўшиш орқали аниқланади. Ҳисоб таянч (репер) нуқтадан бошланади. Бундай ҳолат датчиклари **nisbий (инкремент) датчиклар**деб аталади.

Датчиклар яна **контактли** ва **контактсиз** турларга ҳам бўлинади.



1.6-расм. Тугалловчи қайта улагичлар ҳамда генраторли ҳолат датчиги.



1.7-расм. Индуктив ҳамда сифимли ҳолат датчиклари.

**Силжисиши датчиклари** – бурчак (энкодерлар) ёки чизиқли силжишларни ўлчайдилар. Бундай датчиклар аналог ва рақамли турларга бўлинади. Аналог ўлчов қурилмаларида катталик объектнинг силжиш катталигига боғлиқ равишда узлуксиз ўлчанади. Ишлаш тамойилига кўра силжиш датчиклари қуидаги турларга бўлинади:


- потенциометрик;
- сифимли;
- оптик;
- индуктив;
- ультратовушли.



1.8-расм. Чизиқли ва бурчак силжишли потенциометрик датчиклари.




1.9-расм. Индуктивли силжиш ва ультратовушли ҳолат датчиклари.



1.10-расм. Тактил датчиклар.

**Тактил датчиклар** роботни ишчи зонада у ва бошқа объектлар билан контактлар (кучлар) га таъсирлашувига жавоб берадилар. Одатда бундай датчиклар билан саноат манипуляторлар, ҳамда тиббиётда қўлланиладиган роботлар жиҳозланади. Тактил сенсорлар билан жиҳозланган машиналар йиғиш ва назорат қилиш операцияларини, яъни иш аниқлигини талаб этувчи ишларни бемалол бажара оладилар.

Замонавий гуманоидли роботларни ишлаб чикиш вақтида ишлаб чиқарувчилар уларни тактил сенсорлар билан таъминлайдилар. Шунда роботлар янада “жонли” бўлиши ва атроф муҳитдан информацияни деярли сезги органлари орқали ҳис қилишлари мумкин бўлади.



1.11-расм. Инфрақизил датчиклар.


Роботларда яқинлашувни аниқлаш мақсадида датчикларнинг энг оммабоп ва содда тури бўлиб инфрақизил датчиклар ҳисобланади. Инфрақизил датчиклар инфрақизил тўлқин узатади, ва қайтган (акс этган) сигнал бўйича ўз олдидаги тўсиқ мавжудлигини аниқлайди.

“Маёқ” режимида бу датчик доимий сигналларни узатади, улар ёрдамида маёқнинг таҳминий йўналиши ва узоқлигини аниқлайди. Бу натижалар роботни доим маёқ томонга ҳаракатланишини дастурлаш имокнини беради. Бу датчикларнинг арzonлиги уларни барча ерларда кўллаш имокнини беради.


**Товуш датчиклари.** Бу турдаги датчиклар роботларни фазода тўсиқларгача бўлган масофани ўлчаш орқали ҳаракатланишига имкон беради. Унга микрофон (товуш, шовқинни аниқлаш имконини беради), узоқни ўлчовчи асбоб (яқин турган объектгача бишўлган масофани аниқлаш имконини беради) ва бошқа ультратовуш датчиклар киради. Ультратовуш робототехниканинг деярли барча соҳаларида кенг кўлланилади.

Ультратовуш датчигининг ишлаш тамоили эхолокацияга асосланган. У қуйидагича ишлайди: қурилма динамиги маълум частотадаги ультратовуш чиқаради ва уни микрофонга қайтишигача бўлган вақтни ўлчайди. Товуш локаторлари йўналтирилган товуш тўлқинларини узатади, улар объектлардан қайтадилар (акс этадилар) ва бу товушнинг бир қисми датчикка келиб тушади. Бунда келиш вақти ва қайтиш сигналининг интенсивлиги яқинда жойлашган объектгача бўлган масофа ҳақида маълумотни олиб келади.

Автоном сув ости аппаратлари учун сув ости гидролокаторлари технологияси қўлланилади, ерда эса товуш локаторлари асосан яқин объектларни тўнашиб кетиши олдини олиш мақсадида ишлатилади. Чунки бу турдаги датчиклар диапазони чеклангандир.



1.12-расм. Товуш датчиги.



1.13-расм. Товуш датчигининг ишлаш тамойили.

Товуш датчиклариға мүқобил саналған қурилмалар қаторига радарлар, лазерлар ва лидарлар киради. Бу турдаги қурилмаларда товуш ўрнига түсіқдан қайтган лазер нури ишлатилади. Бундай датчиклар асосан автоном автомобиллар ишлаб чиқаришда құлланилади, чунки улар транспорт воситасында йўл ҳаракати билан самарали ёндошишига имкон беради.

## V. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шархи</b>	<b>Инглиз тилидаги шархи</b>
<b>Мехатроника <i>Mechatronic</i></b>	сунъий интеллектга эга техник тизимларни тузишда механика, электротехника, электроника ва ахборот технологияларини, айниқса, механизм ва машиналарни боғловчи комбинация	connecting a combination of mechanics, electrical engineering, electronics and information technologies to create systems with artificial intelligence, in particular machinery and equipment
<b>Мехатрон тизим архитектураси <i>Mechatronic systems architecture</i></b>	махатрон тизим компонент-лари иерархияси ёки курилмаси	hierarchy or device components mehatrons system
<b>Мехатрон тизим системаси <i>Mechatronic system</i></b>	мехатроника принциплари асосида яратилган тизим	system created on the basis of the principles of Mechatronics
<b>Бошқарув <i>Management</i></b>	битта ёки бир неча жараён-ларни бажаришга йўналти-рилган ҳаракатлар тўплами. Агар бошқарув инсоннинг бевосита иштирокисиз амалга ошса, бундай бошқарув – автоматик бошқарув деб аталади.	a set of actions aimed at the implementation of one or more processes. If management is done without direct human intervention, this is called automatic control
<b>Бошқарув обьекти <i>The object of managements</i></b>	механизм, агрегат, ёки технологик жараён бўлиб, унинг мақсадли ишлаши таъминланиши лозим. Корхоналар, к/х фермалар, инсонлар жамоаси ва бошқалар бошқарув обьекти бўлиши мумкин	a mechanism or process unit, focused operation of which should be ensured. The object can be management enterprises, agricultural farm, groups of people, etc.
<b>Датчиклар тизими <i>Sensor system</i></b>	бир неча датчиклардан тузилган тизим бўлиб, бир датчикдан олинган маълумотлар иккинчиси учун қўшимча маълумот ҳисобланади	system consisting of multiple sensors, used to complement the data of one sensor data from other
<b>Жараён <i>Process</i></b>	бирор обьект ёки тизим ҳолатининг кетма-кет алмасиши, бунинг натижасида силжиш ёки материаллар заҳираси, куввати ва информация ўзгаради	sequential change of conditions of any object or system, during which the move or change a stock of materials, energy and information
<b>Интеллектуал машина <i>Intelligence machine</i></b>	сунъий интеллектга эга машина	machine with artificial intelligence
<b>Автомат <i>Automatic</i></b>	юнонча „automatos“ – ўзича ҳаракатланувчи	from the Greek “Auto-matos “ is itself a valid
<b>Автоматик қурилма <i>Automatic device</i></b>	механик, электрик, пневматик, гидравлик ёки комбинациялашган қурилмалар тўплами бўлиб, улар инсоннинг доимий иштирокисиз ўз-ўзидан келиб чиқиб	the combination of mechanical, electrical, pneumatic, hydraulic or combined,- without constant human intervention

	ишлидилар.	
<i>Адаптив машина</i> <i>Adaptive machine</i>	адаптивлик интеллектуал хоссасига эга бўлган интеллектуал машина	intelligent machine possessing the intellectual property of adaptability
<i>Интеллектуал материал</i> <i>Intelligence material</i>	содда интеллектга мос хоссаларга эга бўлган композицион материал (тузилма)	composite material (structure), which has properties that correspond to primitive intelligence
<i>Интеллектуал датчик</i> <i>Intelligence sensor</i>	ўзида сезиш, хис қилиш, аналог ва рақамли сигнални қайта ишлаш, автоматик, ўзи-ўзини калиброрка қилиш, компенсациялаш функцияларни жам қилган автоном бирлик	self-contained unit that integrates the functions of sensation, perception, processing of analog and discrete signals, automatic and self calibration and compensation
<i>Ижро механизми</i> <i>Executive</i>	мехатрон тизимининг бир қисми бўлиб, машина ишини ҳал қилувчи тизимидан ёки бевосита хис қилиш тизимидан (датчиклардан) олинган маълумотлар асосида бошқаради	part of the mehatrons system, which cars on the basis of data obtained from critical system or directly otsistemy perception (obtained)
<i>Ҳал қилувчи тизим</i> <i>The decisive mechanism</i>	мехатрон тизимнинг бир қисми бўлиб, қабул қилинган инфорацияни баҳолайди ва кейинги хатти-харакат-ларни трежалаштиради	part of the mehatrons system, which information and plans actions
<i>Хис қилиши тизими</i> <i>Sensory system</i>	мехатрон тизимнинг бир қисми бўлиб, машина ва ташқи муҳит ҳолати ҳақида-ги инфомацияни тўплаш, қайта ишлаш ва тақсимлаш ишларини бажаради	part of the mehatronns system, which storage, processing and distribution of information on the State of the machine and the environment.
<i>Ўз-ўзини ташкил этиши</i> <i>Self-organization</i>	бирор ташқи таъсирларсиз тузилмани тузиш қобилияти	ability to create structure without any external influences
<i>Ўз-ўзини ростлаши</i> <i>Self-adaptation</i>	атроф муҳитда ишлаш вақтида исталған натижага эришиш қобилияти бўлиб, у вақт давомида ўзгаришларга учрайди	the machine's ability to reach and maintain the desired behavior when running in the environment, that was under-going final changes over time
<i>Ўз-ўзини тиклаши</i> <i>Self-healing</i>	машинанинг иш қобилиятини тиклай олиши	the ability of machines to recovery
<i>Ўз-ўзини диагностика қилиши</i> <i>Self-diagnostics</i>	машинанинг ишчи ҳолатини назорат қилиш ва баҳолай олиш қобилияти	the ability of machines to monitor and evaluate the operational status
<i>Автомат</i> <i>Automatic</i>	юонча „automatos“ – ўзича ҳаракатланувчи	from the Greek “Auto-matos “ is itself a valid
<i>Автоматик қурилма</i> <i>Automatic device</i>	механик, электрик, пневматик, гидравлик ёки комбинациялашган қурилмалар тўплами бўлиб, улар инсоннинг доимий иштирокисиз ўз-ўзидан келиб чиқиб ишлидилар.	the combination of mechanical, electrical, pneumatic, hydraulic or combined,- without constant human intervention

<b>Адаптив машина</b> <i>Adaptive machine</i>	адаптивлик интеллектуал хоссасига эга бўлган интеллектуал машина	intelligent machine possessing the intellectual property of adaptability
<b>Бошқарув Management</b>	битта ёки бир нечта жараён-ларни бажаришга йўналти-рилган ҳаракатлар тўплами. Агар бошқарув инсоннинг бевосита иштирокисиз амалга ошса, бундай бошқарув – автоматик бошқарув деб аталади.	a set of actions aimed at the implementation of one or more processes. If management is done without direct human intervention, this is called automatic control
<b>Бошқарув объекти</b> <i>The object of managements</i>	механизм, агрегат, ёки технологик жараён бўлиб, унинг мақсадли ишлаши таъминланиши лозим. Корхоналар, к/х фермалар, инсонлар жамоаси ва бошқалар бошқарув объекти бўлиши мумкин	a mechanism or process unit, focused operation of which should be ensured. The object can be management enterprises, agricultural farm, groups of people, etc.
<b>Датчиклар тизими</b> <i>Sensor system</i>	бир неча датчиклардан тузилган тизим бўлиб, бир датчикдан олинган маълумотлар иккинчиси учун қўшимча маълумот ҳисобланади	system consisting of multiple sensors, used to complement the data of one sensor data from other
<b>Жараён Process</b>	бирор объект ёки тизим ҳолатининг кетма-кет алмашиши, бунинг натижасида силжиш ёки материаллар заҳираси, қуввати ва информация ўзгаради	sequential change of conditions of any object or system, during which the move or change a stock of materials, energy and information
<b>Интеллектуал машина</b> <i>Intelligence machine</i>	сунъий интеллектга эга машина	machine with artificial intelligence
<b>Интеллектуал материал</b> <i>Intelligence material</i>	содда интеллектга мос хоссаларга эга бўлган композицион материал (тузилма)	composite material (structure), which has properties that correspond to primitive intelligence
<b>Интеллектуал датчик</b> <i>Intelligence sensor</i>	ўзида сезиш, хис қилиш, аналог ва рақамли сигнални қайта ишлаш, автоматик, ўзи-ўзини калиброка қилиш, компенсациялаш функцияларни жам қилган автоном бирлик	self-contained unit that integrates the functions of sensation, perception, processing of analog and discrete signals, automatic and self calibration and compensation
<b>Ижро механизми</b> <i>Executive</i>	мехатрон тизимининг бир қисми бўлиб, машина ишини ҳал қилувчи тизимидан ёки бевосита хис қилиш тизимидан (датчиклардан) олинган маълумотлар асосида бошқаради	part of the mehatrons system, which cars on the basis of data obtained from critical system or directly otsistemy perception (obtained)
<b>Мехатроника</b> <i>Mechatronic</i>	сунъий интеллектга эга техник тизимларни тузишда механика, электротехника, электроника ва ахборот технологияларини, айниқса, механизм ва машиналарни боғловчи комбинация	connecting a combination of mechanics, electrical engineering, electronics and information technologies to create systems with artificial intelligence, in particular machinery and equipment
<b>Мехатрон тизим</b>	махатрон тизим компонент-лари	hierarchy or device components

<i>архитектураси Mexatronic systems architecture</i>	иерархияси ёки қурилмаси	mehatrons system
<i>Мехатрон тизим Mexatronic system</i>	мехатроника принциплари асосида яратилған тизим	system created on the basis of the principles of Mechatronics
<i>Хал қылувчи тизим The decisive mechanism</i>	мехатрон тизимнинг бир қисми бўлиб, қабул қилин-ган инфоरацияни баҳолайди ва кейинги хатти-харакат-ларни трежалаштиради	part of the mehatrons system, which information and plans actions
<i>Хис қилиши тизими Sensory system</i>	мехатрон тизимнинг бир қисми бўлиб, машина ва ташқи муҳит ҳолати хақида-ги информацияни тўплаш, қайта ишлаш ва тақсимлаш ишларини бажаради	part of the mehatronns system, which storage, processing and distribution of information on the State of the machine and the environment.
<i>Ўз-ўзини ташкил этши Self-organization</i>	бирор ташқи таъсирларсиз тузилмани тузиш қобилияти	ability to create structure without any external influences
<i>Ўз-ўзини ростлаши Self-adaptation</i>	атроф муҳитда ишлаш вақтида исталған натижага эришиш қобилияти бўлиб, у вақт давомида ўзгаришларга учрайди	the machine's ability to reach and maintain the desired behavior when running in the environment, that was under-going final changes over time
<i>Ўз-ўзини тиклаши Self-healing</i>	машинанинг иш қобилиятини тиклай олиши	the ability of machines to recovery
<i>Ўз-ўзини диагностика қилиши Self-diagnostics</i>	машинанинг ишчи ҳолатини назорат қилиш ва баҳолай олиш қобилияти	the ability of machines to monitor and evaluate the operational status

## **АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши қурашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли

Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Bruce R. Munson, Alric P. Rothmayer, Theodore H. Okiishi, Wade W. Huebsch Fundamentals of Fluid Mechanics, Wiley, 2017. 792p.
2. Charlie Brau Notes on Analytical Mechanics. 2005.
12. Гантмахер Ф.Р. Лекции по аналитической механике. 3-изд. М.: Физматмех, 2005. 17
3. Chung T.J. Computational Fluid Dynamics. - Cambridge University Press, 2002 (1012p).
4. Grant R. Fowles and George L. Cassiday. Analytical Mechanics. Brooks Cole. USA, 2014.
5. Herbert Goldstein, Charles Poole, John Safko. Classical Mechanics. Classical Mechanics. USA, 2013.
6. I. M. Rikhsiboev and N. S. Mohamed, Engineering Mathematics 2, Malaysia, 2019.
7. Jim Libby, Math for Real Life: Teaching Practical Uses for Algebra, Geometry and Trigonometry// 2019, 234p. ISBN: 978-1476667492
8. Karl Berry, The TEX Live Guide—2020
9. Lawden D.F. Optimal Trajectories for Space Navigation Butterworth, Washington, D.C. 2013.
10. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
11. Manfredo P. Do Carmo. Differential geometry of Curves and surface // Dover publications, Inc. Mineola, New York, 2016. – 529 pp.
12. Maple 15 user manual, Maplesoft, 2016, 462 p.
13. Margaret L. Lial, Thomas W. Hungerford, John P. Holcomb, Bernadette Mullins, Mathematics with Applications In the Management, Natural and Social Sciences (11th Edition), Pearson6 2018.

14. Massey B., Ward-Smith J. Mechanics of Fluids. Solutions Manual Eighth edition. - Taylor & Francis, 2016.
15. N.A. Korshunova and D.M. Azimov. Analytical Solutions for Thrust Arcs in a Field of Two Fixed Centers // «Journal of Guidance, Control, and Dynamics», (AIAA, USA), 2014, V.37, №5, P.1716-1719
16. Rao, M. M. Random and Vector Measures, Series on Multivariate Analysis, 9, World Scientific, 2012.
17. Robert D. Zucker, Oscar Biblarz Fundamentals of Gas Dynamics, Wiley, 2002. 512p.
18. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
19. Tao, Terence. An Introduction to Measure Theory. Providence, R.I.: American Mathematical Society, 2019.
20. Weaver, Nik Measure Theory and Functional Analysis. World Scientific, 2013, 423 p.
21. Авилова Л.В., Болотюк В.А., Болотюк Л.А. Аналитическая геометрия и линейная алгебра// 2013. Издание: 1-е изд. 421 с.
22. Азимов Д.М., Коршунова Н.А Ҳаракатнинг устуворлик назарияси бўйича танланган маъruzalар. - Учебное пособие. - Ташкент, Университет, 2005.
23. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
24. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
25. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
26. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
27. Кириянов Д. Mathcad 15/Mathcad Prime 1.0. - СПб.: БХВ-Петербург, 2012. — 432 с.
28. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
29. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
30. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
31. О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. М – Книга 16 / Современные образовательные технологии: педагогика и психология:

Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

32. Тураев Х. Ҳаракатнинг турғунлик назарияси. - СамГУ, 2004.
33. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

#### **IV. Интернет сайклар**

34. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
35. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
36. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
37. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
38. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

